

1-oktabr -
O'qituvchi va
murabbiylar
kuni



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 1-oktabr, seshanba № 79 (8624)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам устоз ва мураббийлар!

Кадрли дўстлар!

Хар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳроқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидоийларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли

ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун дунёдаги тараққий толган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган мақсадга эришиш каби ўта огир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлигимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аёнди.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни куриш, иқтисодий-ётимизни биз учун янги аснода — бозор муносабатлари негизда ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг кўламли ислохотларни жорий қилиш, мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширилган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини гурур ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз кўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омил ва мезонлар хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида авваламбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янги-ча фикрлайдиган, ўзлигини, кадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарти бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЪЗОЗДАСИЗ МУДОМ, УСТОЗЛАР!

*«Туркистон» саройида
Ўқитувчи ва мураббийлар кунини
умумхалқ байрамига
бағишланган тантанали
тадбир бўлиб ўтди*

Халқимиз ҳамиша эъзозлаб, юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатадиган устоз ва мураббийлар доимо жамиятнинг илғор қатлами бўлиб келган. Буни «Шогирд устозидан ўтибди», деган ибора ҳам тасдиқлайди. Ўқитувчи ва мураббийларнинг билим ва маҳорати ёш авлод салоҳиятини кўтаришда ўзига хос омил вазифасини ўтайди. Илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида устозларидан-да юқори натижаларга эришяётган ёшлар эса элу халқнинг ишонган тоғи, юрт тараққиётининг ҳал қилувчи кучига айланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг янги усул ва методлари кун сайин янгилашиб бораётган бугунги тезкор даврда ҳам бу таомил ўзгаргани йўқ. Жонқуяр муаллимларимиз ўз устида тинимсиз ишлаб, жондан азиз фарзандлари-

мизга замонавий билимларни беришга, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод қилиб тарбиялашга интиломда. Айна кунларда мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани ҳам халқимизнинг устоз-муаллимларга чексиз эҳтиромини ифодалайди.

Кунини кеча «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Байрам тадбирида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илғор ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, маънавият тарғибчилари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб билман: биз билим ва тарбия бериб вояга етказётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиған, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиған, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга — ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Хурматли дўстлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат айниқса илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Хозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалётган фикрни инobatга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини хозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, ҳарқилнинг ривожини учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бунинқироздан янада кучли бўлиб чиқшини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни ҳолисона баҳолаб эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини қутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни манتيқий яқинига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймастик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Аваллабор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамалякатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлиши олий ўқув юртлирининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муас-

сасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айна шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз аввало институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илғор олий ўқув юртлири даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуктаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғлиниб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини — бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими — буларнинг барчасини ягона бир гоё, умумий бир мақсад бириштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққуларини забт этган, чўқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлирида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажиги, ҳаёт-мамонтини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўраимиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз раванки ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўллана бериш йўлидаги беқийс хизматингиз, бегараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чўқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сихат-саломатлик, оилаларингизга бахту-содат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислom KAPИMOV,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЭЪЗОЗДАСИЗ

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг юртимиз ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг 2013 йил 27 сентябрдаги фармониға мувофиқ мамлакатимиз маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она Ватанға муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларға ҳурмат руҳида соғлом ва баркамол этиб вояға етказиш, фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун кўплаб ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида меҳнатлари юқори баҳолалиб, турли давлат мукофотларига лойиқ кўрилган халқ таълими ходимлари сони 3465 нафарға етди. Уларнинг 7 нафари Ўзбекистон Қаҳрамони, 307 нафари Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, 324 нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходимидир.

Ҳа, мустақиллик шарофати билан соҳа ходимлари том маънода эъзоз топиб, ўқитувчилик касбига ҳавас ортмоқда. Мисол учун, бу йил 7065 нафар олий маълумотли ёш мутахассис умумтаълим муассасаларига ишға қабул қилинди. Бу 2004 йили мактабларға иш сўраб мурожаат этган олий ўқув юртлири битирувчиларидан 4120 нафарға кўп деганидир.

Энг муҳими, уларнинг ўқувчи-ларға замонавий педагогик технологиялар асосида жаҳон стандартларига мувофиқ таълим-тарбия бериши, машғулотларға пух-



та ҳозирлик кўриб, ўз устида ишлаши учун қулай меҳнат шароитлари яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айна пайтда тизимда меҳнат қилаётган 410 минг 654 нафар ўқитувчи фаолиятини рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётди. Амалға татибқ этилган педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими фидойи, жонқуяр муаллимлари моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишға хизмат қилаяпти.

Узоқни кўзлаган, изчил равишда ҳаётға татибқ этилиб, мунтазам такомиллашиб бораётган умуммиллий дастурларимиз натижасида юртимизда таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъод соҳибларини кўллаб-қувватлашнинг самарали тизими вуждға келди. Бу давлатимизнинг жадал сурьатларда ривожлантиригани, жамиятда инсон омилига катта эътибор қаратилаётганидан далелдир. Юртбошимиз байрам табригида таъкидлаганидек, «Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалётган фикрни инobat-

ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ РАМЗИ

1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами муносабати билан республикамизнинг турли ҳудудларидан келган таълим фидойилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, бунёдкорлик ва янгилашлар билан танишдилар. Дастлаб улар 30 сентябрь кuni эрта тонгда Мустақиллик майдонига ташриф буориб, порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

— Ҳар йили ушбу санани умумхалқ байрами сифатида нишонлаймиз, — дейди Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азларов. — Халқимиз азал-азалдан устозларни эъзозлаб, таъзим бажо айлаб келган. Қолаверса, Ватан ва миллат келажиги, миллий анъаналаримиз давомчилари бўлган ёш авлод ҳам айнан таълим муассасаларида ўқитувчи-мураббийлардан сабоқ олиб улғаяди. Тадбирнинг Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйишдан бошланишида ҳам рамзий маъно бор. Боиси ҳар жаҳада, хусусан, таълим тизимида эришган ютуқларимиз бевосита мустақиллик билан чамбарчас боғлиқ.



МУДОМ, УСТОЗЛАР!

га оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожини учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини баҳорат қилаётгани бежиз эмас, албатта».

Ўтган давр мобайнида республикамиздаги жами 9765та мактабнинг 7515тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 424та мактаб биноси янгидан барпо этилди, 3006таси реконструкция қилиниб, 4085таси капитал таъмирланди. 2013 йилнинг ўзида

лари ва дарсликларини тизимга кенг жорий қилиш имконини бераётди.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2013-2014 ўқув йилидан умумтаълим мактабларининг 1-синфлариданоқ ўғил-қизларга хорижий тилларни чуқур ўргатиш мақсадида компетенциявий ёндашув асосида замонавий дарсликлар, ўқитишнинг янги услублари ишлаб чиқилди. 1-синфлар учун инглиз тили («Kids' English»), немис тили («Deutsch macht spab») ва француз тили («Hirondelle») дарслик мажмуалари яратилиб, 537 минг 786 нусхада (20 минг нусха ўқув-услубий кўланма DVD дисклари билан) жойлар-

лаш, ўқув юрларининг юқори рейтингга эга жаҳон университетлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш, халқаро стандартларга мос юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради.

Шу йилнинг 1 январидан Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида биноан халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимига ўтилгани эса юртимизда юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириши шубҳасиз.

— Муҳтарам Президентимизнинг биз ўқитувчиларга йўллаган табригида янги фикрли, ўзлигини, кадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган ёшларимиз бизнинг суянчимиз ва таянчимиз экани, бундай авлодни вояга етказишда устоз-муаллимларнинг хизматлари катталиги алоҳида таъкидланди, — дейди Термиз шаҳридаги 4-ИДУМИ директорининг ўринбосари Мўътабар Эшбекова. — Бундай эътироф ва эҳтиром зиммамиздаги масъулиятни янада ошириб, ўз бурчимизга садоқат билан ёндашиб, фарзандларимиз камоли йўлида фидокорона меҳнат қилишга иштиёқимизни кучайтирди. Ҳақиқатан ҳам, устозлари эъзозланган шундай юртда яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Махмуд Исмоилов, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Махмудова, Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги «Соғуний» маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мас-



лаҳатчиси Муаттар Эшмухамедова таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан аънавий равишда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб директори» республика кўрик-танловлари ғолиблари диплом ва совринлар топширилди.

Хушовоз хонандаларнинг куй-қўшиқлари кечага ўзгача фусун, дилларга кўтаринкилик бағишлади. «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказларида ўз иқтидорини ривожлантираётган ўқувчи-ёшлар гўзал рақслари билан барчани мафтун этди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



Инвестиция дастури доирасида 381 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминлаш даражаси ўтган йилга икки йил давомида 55,4 фоиздан 99,5 фоизга ортди. 7171та мактаб замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ага. Компьютерлар «ZiyoNET» ахборот-таълим портали орқали халқаро интернет тармоғига улангани ўқув жараёнининг дунё таълимига интеграциялашуви, фан-техника соҳасидаги энг сўнгги янгиликларни амалга татиқ этиш, электрон ўқув восита-

га етказиб берилди. Бу ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантиришга, келгусида хорижий тиллардаги адабиётлар базасидан кенг фойдаланишига замин ҳозирлайди.

Юртимизда олий ва ўрта махсус таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бораётди. Хусусан, олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилаётгани олий таълимни мунтазам такомиллаштириб бориш асосида меҳнат бозорига талаб қилинадиган малакали мутахассисларни тайёр-

ЗИЁ МАСКANIДАГИ ХАЙРАТ

Устоз ва мураббийлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб, бу ердаги замонавий шароитлар билан танишишди. Энг замонавий компьютерлар ва жиҳозланган хоналар, кутубхона фондида сақланаётган китобларни кўздан кечиришди.

— Бугунги ўқитувчи замонамизнинг энг бахтли инсонидир, десак янгилишмаймиз, — дейди Бухоро вилояти Жондор туманидаги 49-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳиббаси Ҳабиба Қораева. — Уларга яратиб берилаётган имкониятлар, бундай кўркам маърифат масканлари, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, кўпгина мамлакатларда йўқ. Ўқитувчиларимиз бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишлари лозим.

БУЮК ЗОТГА ТАЪЗИМ

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб, буюк мутафаккир хайкали пойида таъзим бажо айладилар.

Устозлар меҳнатини улуғлаб ҳикматлар битган буюк устоднинг «Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чаробонидир» деган ҳикматини ёдга олиб, бугунги кунда ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган эҳтирдан руҳланиб, тинчлик ва фаровонлик учун шукрона айтдилар.

— Ҳар йили пойтахтга келсам бу ердаги ўзгаришларни кўриб хайратга тушаман, — дейди Наманган вилояти Учкўрғон туманидаги 12-МТМ мудираси Сайёра Эгамова. — Айниқса, азим шаҳримизда бу нунёд этилган маънавият ва маърифат масканлари, боғ ва хиёбонларни кўрганда буларнинг барчасига юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик сабаб эришётганимизни ҳис этаман.

СПОРТСЕВАР ПЕДАГОГЛАР

Тошкент шаҳридаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабат қилиб «Спортда мағлублар бўлмайди» спорт фестивали бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган оилавий педагоглар ҳамда уларнинг 15 ёшгача бўлган фарзандлари иштирок этди.

Мусобақада 70 нафар қатнашчи ёзги биатлон, сузиш, стол теннисини ва энгил атлетика бўйича беллашдилар.

— Спорт оилада соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиради, — дейди Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 7-мактаб директори Дилфуза Авезова. — Спортга меҳр қўйган, мунтазам шуғулланган оилада соғлом ва ҳар жиҳатдан баркамол фарзандлар улғаяди.

Мусобақа сўнгида ғолиблар ва фаол иштирокчиларга ҳомий ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Гулруз ОРИФЖОНОВА
Олим ЖУМАОБОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ўза, Б.РИЗОКУЛОВ, В.ГРАНКИН
суратлари.





ЎҚИТУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Муҳтарам муштарий, таълимни мазмунан бойитиш, ўғил-қизларимизни гўзал одоб-ахлоқ соҳиб қилиб камолга етказиш масаласи даврнинг долзарб вазифалари қаторига кўтарилган. Қувончлис шундаки, бугун юртодошларимиз орасида бу борада ўзгаларни ҳам эргаштира оладиган, эзгу ўй-фикр ва ибрат этиб кўрсатса арзистлик фаолият эгалари кам эмас. Сўз, фикр ва амалнинг муштараклиги эса мақсадлар рўйида асосий таянч саналади. Биз мазкур янги руҳимиз орқали таълим ва тарбия ишнинг ана шундай фидойиларига сўз бермоқчимиз.

Диляра ТУХФАТУЛЛИНА, Навоий шаҳридаги 1-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби директори:

— Бир йили таътил кунлари жамоамиз билан Бухоро шаҳрига зияратга бордик. Ўқитувчиларимиз кўли гул хунармандлар ясаган қадимий андозалардаги кўзаларни эсдалик учун харид қилишга киришишди. Уларнинг сотиб олаётган буюмларини синчковлик билан обдон кўздан кеңиришларини бир четда туриб кузатар эканман, кўнглимда ҳамкасбларимга айтишим, уқтиришим зарур бўлган фикрлар тугиларди. Сафардан қайтганимиздан сўнг йигин ташкил этдик.

— Инсон харид қилишдан олдин товарнинг сифати ва чиройига, эҳтиёжларига нечоғлик жавоб беришига қанчалар эътибор қаратади, — дедим сўзим ибтидоида кўлимдаги кўзачага диққатни қаратиб. — Маҳсулотада бирор нуқсон сездикми, бошқа буюм-

ларга назар ташлай бошлаймиз. Эътибор беринг-а: биз педагогларга эса эртамиз эгаларига таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Демак, бугунги ўқувчиларимиз эртага ўз билими, тарбияси, лаёқати билан элимизни мамнун этиши керак. Сиз билан бизнинг олдимизда уста хунарманд мисол ўта маҳорат ва назик дид, зукколик билан меҳнат қилиш талаби турибди. Кўздан айб топсангиз, албатта, хунарманд хизматидан нолийсиз. Буюм эса чиқганда чикиб, бир четга улоқтирилади. Инсоннинг ўз оиласига, жамиятга керакисиз бўлиб қолиши жоғасини тасаввур эта оласизми? Ўқувчимиз келажакда билимидаги бўшлиқлар, тарбиясидаги сустхалиқлар сабаб ҳаётдан муносиб ўрнини тополмас, бунда сизу биз энг катта айбдор бўламиз!..

Ушбу кичик йигинимиз кат-



Diqqat, yangi rukn: Fikr va faoliyat

та ва хайрли ишларни бошлаб берди, десам янглишмайман. 2012-2013 ўқув йилидаги билимлар беллашувида республика босқичида соврин ўринлар буйича мактабимизнинг 3-ўринни эгаллаши, «Энг обод таълим муассасаси» республика кўрик-танлови голиблари қаторидан ўрин олишида фаолиятимизга ана шу нуқтаи назардан ёндашмишамиз ҳам замин яратди. Бизда фан ўқитувчилари ишга қабул қилинар экан, албатта, психолог раҳбарлигидаги комиссия синовидан ўтказилади. Тажрибаларим ва кузатишларим натижасида амин бўлдим-

ки, билим ва маҳорат изланишлар натижасида боийши мумкин, ammo инсон тугма касбий лаёқатга эга бўлмас, ўз соҳасига кўнгилдан муҳаббат қўймас экан, undan яхши ўқитувчи чиқиши қийин!

Вилоятимиздаги таълим рустилида олиб бориладиган мактабларда кадрлар танқислиги учрайди. Навоий давлат педагогика институтида бундай мутахассислар тайёрланмаслиги эса муаммонинг бартараф этилишида маълум қийинчилик туғдиради. Лекин масалага шу тарзда нуқта қўйиш ярамайди, албатта. Педагогларимиз сафини тўлдириш мақсадида республикамиздаги педагогика институтларига хат билан мурожаат қилдим. Натижада Жиззахдан география фани ўқитувчиси Эркин Исмолов, Бухородан иқтисод ва география фани ўқитувчиси Дилнавоз Хакимова, Самарқанддан биология фани ўқитувчиси Нилуфар Алимова келиб жамоамизга қўшилди. Ҳозирча улар ижарада турибди. Ёш кадрларимизнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида дарс соатларини бир ярим ставкага ошириб бердик. Навоий шаҳар ҳокими Баҳодир Жўраев қабулига кириб, турли виллоятлардан келган мутахассисларнинг доимий рўйхатдан ўтказиш босқичида ёрдам сўрадим. Масала ижобий ҳал этилди. Бу

билан демоқчиманки, изланган одам, албатта, имконият топади. Таълим тизимини юксалтириш борасида ҳукумати-миз томонидан кўрсатилган ғамхўрликларни қўл қовуштириб кузатиш, қувониб қарши олиш билангина чекланиш, айниқса, раҳбар кадрларга ярашмайди.

Барчамизни янги куч-қувват, маҳорат билан фаолият юритиш сари чорлаб 2013-2014 ўқув йили ҳам бошланганга ҳали қўп бўлгани йўқ. Биринчи сентябрни биз катта воқеа билан бошладик. Мактаб остонасига илк қадамини қўйган болажонларимиз дунё ҳамжамиятида мулоқот воситаси бўлган инглиз тилини ўрганишга киришишди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синфхоналарда яйраб-ўйнаб хорижий тиллар сабогини олаётган 235 нафар болажонни кузатар эканман, тўққиз йилдан сўнг уларнинг ўзбек тили баробарида бир нечта хорижий тилларда бемаълум сўзлаша олишларини кўз ўнгимга келтириб суюниб кетаман. Энг қувончлис, фарзандларига қўшилиб ота-оналар ҳам инглиз тилини ўрганишмоқда. Демакки, биз синфхоналардан туриб жамиятимиздаги турли соҳаларнинг дунё билан бўйлашишига кўмаклашамиз.

Ойбуви ӨЧИЛОВА
ёзиб олди.

Yangiliklarda yurt nafasi



Тошкентда аънанавий «InfoCOM – 2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги якувланди.

2004 йилдан буюн сентябрь ойининг охирида аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган «InfoCOM» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги соҳада муваффақиятли амалга оширилаётган кенг кўламли ишловлар самарасидир. Ҳафталик ахборот технологиялари мутахассислари ҳамда фойдаланувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳафталик доирасида Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит ўтказилди, UZ — 2013 миллий домини интернет-фестивалининг якули сарҳисоб қилинди, ёшлар ўртасида «MIT, UZ» миллий интернет-танлови голибларини тақдирлаш маросими, «ICT-Евро — 2013» ахборот технологиялари халқаро кўргазмаси, Ўзбекистонда интернет-провайднинг ва миллий контентни ривожлантириш масалалари бўйича давра суҳбати, «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнларини конуний тартибга солиш масалалари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

«Энг яхши компьютер иловалари», «Смартфон ва смарт-телевизорлар учун энг яхши иловалар», «Энг яхши миллий компьютер ёки мобил ўйинлари», «Миллий компьютер ўйинларининг энг яхши концепцияси ва сценарийси» номинациялари голиблари диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Хонатлас – 2013» фестивали бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоат биришмаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон моделерлари ва дизайнерлари уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда ёш дизайнерлар ва моделерлар томонидан яратилган миллий либослар намойиш қилинди.

Жорий йилги фестивалда «Келажак овози» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг либослар дизайн йўналишида фаол қатнашган ёшлар ҳамда Тошкент тўқимачилик ва энгил санъат институти талабаларининг тўпламлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Тақдим этилган либослар миллий ва замонавий руҳни ўзида муҳассам этгани, уларда ёшларга хос жўшқинлик, изланиш ўза ифодасини тоғгани билан кўнчилиқнинг эътиборини тортди. Таъдир доирасида, шунингдек, миллий матолар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Фестивалда либослар тўплами энг яхши деб топилган ёш дизайнерларга дипломлар таъширилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

«Ахборот соати»ни қандай ўтаяпсиз?

«Бугун ота-она ҳам, фарзандлар ҳам телефон қовлайди, интернет оламида кезади, оилавий дастурхон устида ҳам суҳбатлар камайиб қолгандек, назаримда. Ўзaro инсоний мулоқот йўқолиб бораётгандек». Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида ўтказилган «Таълим муассасаларида «Ахборот соатлари»нинг самарадорлигини оширишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусидаги давра суҳбатида билдирилган фикрларни эшитиб, аксарият оилаларда намойён бўлаётган манзара кўз олдингизга келади.

Бундай ҳолатга қарши ҳар бир инсон ўзининг бурчи сифатида ҳушёрлик билан қараб, керак бўлганда ўз муносабатини билдира олиши лозим. Таъдирда бугунги ёш авлодни бун-

дай иллатлар гирдобидан асрай олиш устоз-мураббийлар зиммасидаги масъулиятли вазифа эканлиги таъкидланди.

Бугунги ахборот асрида талабаларни зарур ахборот билан таъминлаб бериш гоят муҳим масалалардан бири. Ўзбекистон 2005 йил ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 11 июндаги Ҳайъат қарори ва 2005 йил 24 июлдаги 138-сонли қўшма буйруғида белгиланган вазифалар айни шу масалаларни ижобий ҳал этишга қаратилган. Шу асосида барча олий таълим муассасаларида «Ахборот соатлари» ташкил этилган. Ёшларнинг билим савиясини янада юксалтириш мақсадида дарсларда нафақат Республикаимиз, балки жаҳонда содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида талабаларга тўлиқ маълумотлар ўтказилапти.

Назозат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Изланиш ва ижодкорлик маҳсули

— Ҳар бир дарсга катта масъулият билан ёндашсак, замонавий педагогик технологиялар асосида қизиқarli ташкил этишга ҳаракат қилсак ўқувчи ҳам мактабга, синфхонага, дарсга қизиқиш билан ошиқади, — дейди Халқ таълими вазирлиги қoшидаги филология фанларига иختисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Азиза Имомхўжаева. — Ўқитувчи талабчан ва изланувчан бўлса болалар билимларни зийраклик билан ўзлаштириб борадилар.

Азиза Имомхўжаева ёш педагог бўлишига қарамай, катта тажрибага эга бўлиб бораётган изланувчан, ижодкор ўқитувчи. У 2011 йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган педагогик грантлар танловида ўз ижод



лойиҳаси билан қатнашиб совриндор бўлди.

Ҳар бир дарсга янгилик олиб киришни асосий мақсад қилиб қўйган муаллима Ўқитувчи дарсдан «Она Ватан» мавзусини ҳам янгиликларга бой тарзда ўтди. Ватан ҳақидаги

ҳикматлар, юртимиздаги ижобий ўзгариш бунёдкорликлар ҳақида хикоя қилувчи слайдлар ўқувчилар билимини янада бойитди.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



Болалигимда кузни яхши кўрардим. Ҳар тонг дар-
возамизни очиб, мактабга кетаётган ўғил-қизларни
кузатардим. Бўйлари баланд, кўринишидан ўта жид-
дий бир киши доим эътиборимни тортарди. У кун
кеч бўлиб, қош қорайгач, уйга қайтарди. Бир кун
омамдан бу одам кимлигини сўрадим. Шунда ойим
у мактаб директори эканини, маҳалладагилар "Убай-
дулла муаллим" деб иззат-хурмат қилишини тушун-
тирди. "Ҳар кунини мактабда ўтказувчи" бу инсон-
га болаларча ҳавас билан боқардим...

Бугун ҳам Оқтепа ма-
ҳалласида яшовчиларнинг
бари Убайдулла Маҳкамов
оиласини "Ўқитувчилар
сулоласи" дея хурмат бил-
ан тилга олади. Салкам
тўқсон ёшни қаршилаган
устоз кексалик гаштини
суриб, фарзандлари ва на-
бираларига йўл-йўриқ,
маслаҳат беришдан чар-
чамайди.

— Йиллар бир-бирини

фарзанд ва набиралари ҳам
ўқитувчилик касбини тан-
лашди. Тўнғич Сайфулла
Маҳкамов Юнусобод тум-
анидаги 274-мактаб ди-
ректори бўлиб ишляпти.

— Болалигимда отам-
нинг икки синглим ва мени
мактабга етаклаб олиб бо-
ришлари ҳамон ёдимда.
Йўл-йўлақай қўли кўксига
бўлиб, отамга салом бер-
ган шогирдларини кўриб,

отамнинг шогирдларидан
иборат бўлади. Шундай кун-
ларда шу касбни танлаган-
имдан, ўқитувчилар суло-
ласида катта бўлганимдан
беҳад фахрланаман.

Сайфулла аканинг қизи
Шаҳноза Расулова ҳам су-
лола анъанасини давом эт-
тирмоқда. У 63-мактабда
директор ўринбосари лаво-
зимда хизмат қилади.
Оиланинг яна бир вакили
Умида Ғойипова эса 274-
мактабда инглиз тилидан
сабоқ бермоқда.

— Ўқитувчининг невараси,
муаллимнинг қизи деган
ном 1-синфлигимдаёқ кат-
та масъулият юклаган.
Йиллар ўтиб, бу масъулият
мен ҳам ўқитувчи бўламан,
деган мақсада айланди.
Мактабни битириб, олий
ўқув юртида сиртдан ўқиб,

СУЛОЛА АНЪАНАСИ

авлоддан авлодга ўтиб келмоқда



қувлаб, кўз очиб юмгунча
ўтиб кетаверар экан, —
дейди қаҳрамонимиз. —
1949 йили ҳозирги Ўзбекистон
Миллий университети-
нинг география факультети
тамомлаб, 24 ёши-
да мактабга ишга келган
кечагидек ёдимда. Ав-
вал ўқитувчи, кейинчалик
директор ўринбосари, 1968
йилдан бошлаб эса Юнусо-
бод туманидаги 274-мак-
табда директор вазифа-
сида ишлай бошладим. Ўйда
меҳрибон ота, мактабда
фидойи муаллим ҳамда
масъулиятли раҳбар бўлиш
учун тинимсиз меҳнат қил-
дим, изландим, интилдим.
Ўқитувчилик касбининг ма-
шаққатини роҳатини ҳис
этидим. Бола қалбига йўл
топган муаллимгина пухта
билим бера олишини тушу-
ниб этидим. Эндиликда буни
шогирдларимга ҳам қайта-
қайта таъкидлайман.
Убайдулла муаллимнинг

очиги, ҳавас қилардим. Бу
ҳавас орзуга айланиб, кат-
та бўлсам, албатта,
ўқитувчи бўламан, деб ўша
вақтлардаёқ кўнглимга ту-
ғиб қўйгандим. Кейин бил-
сам, синглиларим Ирода ва
Маъмура ҳам худди мендек
ният қилишган экан, —
дейди Сайфулла ака. — Ни-
зомий номидаги Тошкент
давлат педагогика универ-
ситетини тамомлаб, 1974
йилдан мактабда иш бо-
шладим. Бугунга қадар ўқу-
вчиларимнинг қувончу таш-
вишлари билан яшаб кел-
моқдаман. Ҳар бир ўқу-
вчининг мактабдан кейинги
тақдирини билан қизиқаман,
ҳаётда ўз ўрнини топаёт-
ганидан фахрланаман. Оила
аъзоларимиз билан дастур-
хон атрофида йиғилсак,
суҳбатимиз доимо таълим
соҳаси, мактаб ҳаётига
уланади. Байрамларда уй-
имиз меҳмонга тўлиб кета-
ди. Уларнинг аксарияти

мактабда ишлай бошладим.
Бундан отам ҳам, бобом
ҳам хурсанд бўлиб, бизга му-
носиб авлод бўлаётсан, дея
мени руҳлантиришди. Йўл-
йўриқ кўрсатиб, маслаҳат-
лар беришди. Мустақиллик
йиллари таълим соҳасига,
ўқитувчи ва мураббийларга
қаратилган катта эътибор
сабаб 28 ёшимда директор
ўринбосари бўлдим. Бунда
бобом ўғити ва отам са-
боқлари менга катта
ёрдам берди, — дейди су-
лола давомчиси Шаҳноза
Расулова.

Таъкидлаш жоизки, бу
хонадонда бобо ўғити ва
ота маслаҳати ўқитувчи-
ликни танлаган фарзандлар-
га ҳамisha қўл келмоқда,
шарафли касбга меҳрли
жўшатириб, фидойи устоз
деган номга эришишга ун-
даётир.

Гулю ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири
Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

Qalbindasiz, ustoz-murabbiy! БУГУННИНГ ЁШЛАРИГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Тўти Юсупова,
Ўзбекистон халқ артисти



Менинг олисларда қолган бо-
лалигим, ўқувчилик даврим ўтган
Самарқанддаги 36-тўлиқсиз ўрта
мактаб ҳаёти билан бутунги кун
ёшларига қаратилаётган эътибор
ва гамхўрликларни асло таққо-
слаб бўлмайди. Ўқитувчиларим
ҳақида сўзлай десам, кўз олдимга
она тили ва адабиёт ҳамда геогра-
фия фанидан сабоқ берган муал-
лимларим келади, холос. Негаки,
бошқа фанлардан фақат юқори
синфларда ўқийдиган ака ва опа-
ларимиз амал-тақал қилиб «дарс
ўтишар», синфхоналардаги аҳвол
ниҳоятда ачинарли эди. Шундай
шароитларни енгиб, тинимсиз
меҳнат орқали ўқиб, изланганлар
туртина-туртина ўз йўлимизни то-
пиб олганмиз.

Биласиз, санъаткор ҳар кун
эл билан юзлашади, турли ташкилот
ва идоралар, таълим муассасала-
рида бўлаемиз. Шундай кезларда
ўғил-қизларимиз ва муҳтарам
ўқитувчиларимизнинг далил оми-
лари, муваффақиятларини эшитиб
суюниб кетаман. Уларга жуда-жуда
ҳавасим келади. Бугун ёшларнинг
илмий изланишларга қўл уришлари
ҳақида мунозараларимиз тараққий-
сари юз тутган. Яқинда эшитиб ҳай-
ратландим: анорнинг данаксиз на-
влари яратилибди. Кўёш нури электр

энергияси ўрнида ишлатилмоқда...
Буларнинг ҳаммаси мактаб таъли-
ми сифати мазмунан бойитилаёт-
ганидан. Эътибор беринг-а: махсус
мактабларга биринчи синф ўқу-
вчилари синов орқали қабул қили-
наётми! Бу тараққийёт юксалиб бо-
раётган бир замонда болаларимиз-
нинг кучли рақобатга бардошли
бўлиб улғайишига замин эмасми?
Бейхитёр «Замонамдан айланай,
шу кунларга етказганимга шукр,
Бу дамларнинг ҳар лаққаси қадрига
етиб, кўзингизга суртинг, болала-
рим!» дегим келади.
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураб-
бийлар кунини умумхалқ байрами.
Бундай санани қай юрт, қайси халқ
нишонлайди, айтинг-чи? Барча
«Ma'rifat» мухлислари, улар орқа-
ли азиз замондошларимизни,
Ўзбекистон аҳли эъзолагувчи му-
аллиму муаллималарни айёми бил-
ан самимий муборакбод этаман.

ИЛК БАЙРАМ ҲАЯЖОНИ

Dil izhori «Ўзининг истеъдоди
ва маҳоратини, кўз нури
ва қалб кўрини бахш этиб, ёш
авлодимизга билим,
илму фан сирлари ва одамийлик
сабоқларини ўргата-
диган сиздек мўътабар зотларга
ҳар қанча таҳсин
ва тасаннолар айтсак арзийди,
албатта».

Юртбошимизнинг ушбу сўзларини ўқиганимда устозларим
ёдимга тушади. Айниқса, биринчи ўқитувчим Максудхоно Отажо-
нова шогирдларидан фахрланган кўйи меҳрли нигоҳлари билан
қараб тургандек бўлаверади. У кишининг сабоқларини олиб, ўзим
ҳам ўқитувчилик мақомига эришдим. Бу йил олий ўқув юртини та-
момлаб, она тили ва адабиёт фанидан дарс бера бошладим. Кас-
бининг машаққатини енгил, масъулиятини англашда мактабда-
ги тажрибали устозлар кўмагига таянганман. Фаолиятимнинг илк
кунидаяқ Хикматхон Ахмедова «Болани ўзингиздан бездириб
қўйманг, ҳар бир машғулотга пухта тайёрланинг, фанингизни ва
ўқувчиларни севинг», дея маслаҳат берганди. Ростини, дастлаб бир
гилос қийналдим. Лекин ҳамкасблардан ёрдам сўраганимда ҳар бир
очик чеҳра билан йўл кўрсатишлари касбимга қизиқишимни яна-
да оширади. Ўғил-қизларга билим беришда ўқитувчи кези кел-
ганда болалар олдида бола, ака-ука, опа-сингил ва ота-онага ай-
ланиши кераклигини тушундим.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини яқинлашгани сари
қалбимни ўзгача ҳаяжон чулғаб олмоқда. Негаки, кечагина бола эдим,
ўзим устозларимни табриклаш учун ошиқардим. Бу йил эса мени
ҳам ўқувчиларим айём билан қутлашяпти. Бундай бахтдан фахрла-
ниш билан бирга, «Мен ҳам устозлардек шарафга лойиқ бўла ола-
манми?» деган ҳақли савол ҳаёлимдан ўтади. Инсон тинимсиз меҳ-
нати туфайли кадр-қиммат ва обрў-эътибор топишига мишонаман.

Шоира СОЛИЖОНОВА,
Тошкент шаҳридаги
204-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

— Баъзида тун ярмидан ошганда уйғониб кетсам, онам ўқувчиларининг дафтарини текшириб ўтирган бўлади. «Ойи, ухласангиз-чи», дейман раҳмим келиб. Онам ҳорғин ҳолатда менга қараб, «Буларни текшириб, эртага тарқатишим керак. Ўқувчиларим натижасини кутишяпти», дейди. Кеч ётиб, эрта туриш онамнинг одати. Унинг ўз касбига садоқати юқори, ўқувчиларига меҳри бўлакча, — дейди Ўзбекистон Миллий университети 3-босқич талабаси Дилфуза Саидова.

Мақтаб остонасига қадам қўйганимизда ўзгача бир меҳр билан қарши олган, жажжи қўлларимиздан тутиб билимлар олами сари етаклаган устозларимизнинг оилавий ҳаётида бундай манзара доимий кузатилади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ОИЛАСИ

— Эрта туришнинг хосияти кўп, ишингизда барака бўлади. Соат бешда туришга, юз-кўлимни ювиб, бадантарбия машқларини қилишга одатланганман, — дейди пойтахтимиздаги 204-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Саидова. — Субҳидамда ҳаво мусаффо, борлиқ гўёки янгилангандек туюлади. Деразани ланг очиб, сеvimли гулларимга сув қуяман. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим уйғонишгач, нонушта ҳозирлайман. Барчамиз дастурхон атрофига йиғилиб, кундалик ишларни режалаштираимиз. Ўғлимни коллежга, қизимни университетга, турмуш ўртоғимни ишга кузатиб, ўзим ҳам мактабга отланаман. Ахир у ерда мени жажжигина қоракўзлар кутаёттир.

Дарвоқе, аёл ўқитувчи нафақат устоз, балки уй бекаси, меҳрибон она ва суюкли рафиқа ҳамдир. Синфда ўттиздан зиёд бола билан ишлайдиган педагог ўз фарзандларига қандай вақт ажратадиган? Бу саволга Нодира Саидованинг жавоби шундай:

— Куннинг биринчи ярми мактабда ўтади. Дарсларим тугаши билан оилам бағрига шошаман. Ўғлим ва қизимнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш мен учун асосий вазифалардан саналади. Улар билан савол-жавоб қилиб, ўқиш ва юриш-туришларини назорат қилиб бораман.

— Бошланғич синфларга сабоқ бериб келаётган онам Нодира Саидовага бувим, яъни онаси ёшлигидан «Ўқитувчининг фарзандисан, сендан барча ўрнак олади. Шунинг учун номаъқул ишларга қўл урма, юзимни ерга қаратма», дея қулоғига қўйган экан, — дейди муаллиманинг ўғли Фаррух Саидов. — Ўқитувчининг фарзандига бошқа ўқувчиларга караганда кўпроқ масъулият тушишини ўзимнинг ҳаётимдан ҳам биламан. Хулқ-атворимдан тортиб дарсларда олаётган баҳоларимга ҳам онамнинг назоратидан эканини ҳис қилиб яшайман.

Ўқитувчига эътибор, эҳтиром худди мактабдаги сингари ўз уйида ҳам юқори. Муаллимнинг оиласига, фарзандларига ҳамма ҳавас қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик сизнинг ўрнингизда бўлгиси, сиздек яшагиси келади, муҳтарам устозлар!

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
«Ma'rifat» мухбири

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Таълим ва фан тизимида меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчилар, Олий таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги билим даргоҳларида фаолият юритаётган ҳамкасблар, мамлакатимиз илм-фан салоҳиятини юксалтириш йўлида илмий изланишлар олиб бораётган профессор ва академик олимлар, ёшларимизга спорт сирларини мукамал ўргатиб, уларга халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишларида асосий камарбаста бўлаётган барча мураббийлар, барчангизни

1 октябрь —

*Ўқитувчи ва мураббийлар
кuni умумхалқ байрами
билан сатимий
қутлаймиз!*

*Сизга бахт-саодат,
муस्ताҳкам соғлиқ тилаймиз.
Ёшларимизни билимли,
жасур, салоҳиятли қилиб
тарбиялашдаги машаққатли
меҳнатингиз давомида
доим омад ёр бўлсин.*



«ХАЁТДАН ҲАМ САБОҚ БЕРИШГАН»

Ҳар касбнинг ўз устаси бўлади. Лекин ўша усталарга устоз, турли касбу хунар соҳибларига бирдек кадрли инсон ҳам бор. У қутлуг даргоҳ томон қадам қўйган мурғак қалб соҳибининг қўлига қалам тутган, ҳарф ўргатган, дунёни танитган муборак зотдир. Болалигида биринчи муаллимига ўхшашни, кичкинтойларга дарс беришни орау қилмаган одам топилмас керак. Ўтаётган йиллар бизни баъзан ўзга манзил-

лар томон чорлайди. Аммо ўша истак қалбимиз уммонига чўкса-да, худди маржон каби ярқираб, ҳаётимизга нур, эзу ишларимизга сурур бахш этиб туради. Устозларнинг нафақат берган билимлари, балки айтган ўғиту насихатлари, ибрат олгулик одамийлик фазилатлари қалбу руҳимизга сингиб, ўзлимизнинг шаклланишига ҳисса қўшади. Сухбатдошларимиз ўз ҳаётида бунга амин бўлишган.

Анорбой ЭШМАТОВ, Ўзбекистон Қахрамони, фермер:

— Биринчи ўқитувчимиз Оқмурод Мерганов чин инсон эди. Биз — болалар у кишини дунёдаги энг ақлли ва доно, билимли одам деб билардик. Устоз биринчи, иккинчи, учинчи синф ўқувчиларига бир хонада дарс берарди. Ҳар бир синфга ўн беш дақиқадан вақт ажратса-да, болаларга алоҳида-алоҳида шеър ёдлатар, ҳисоб-ки-тобни тушунтирарди. Ҳамма-мизнинг кўнглимизни олишни, ёшимиз ва феъл-атворимизга қараб муомала қилишни уддаларди. Бу қобилият бизга худди мўъжизадек туюларди. Аслида, турли ёшдаги болаларга бир синфда дарс ўтиш мажбурликдан, ўша пайтлардаги шаро-

итдан эканини англамасдик-да. Алоҳида китобдафтаридан тортиб, ҳатто ўз компьютерига эга бўлган ўқувчилар учун бу ҳолат худди эртақдек гап.

Оқмурод ака ўз ишига бор меҳрини берарди.

Тарновчадан шилдираб, ҳовузчага сув оқар, сувда сузиб ўрдак-ғоз қанотларини қоқар.

Ғоз қичқираб Ғо-Ғо, ўрдак деяр Ға-Ға,

Бир-бирини қувлашиб, шўнғир сувнинг остига...

Муаллим қўлларини ғоз қанотларидек ёзиб, ўрдаклардек кўкрагини керганча образли қилиб шеър ўқигани хоти-



рамга нақш каби жойланган (биринчи ўқитувчим ўргатган кўплаб шеърлар ҳали ҳам ёдимда). Устозим сабоқларидан ҳар ишнинг муваффақияти бор меҳр ва эътиборини беришда эканини уққанман.

— Ёзувчининг устози кўп бўлади. Менинг ҳам бевосита ва билвосита устозларим бор. Биринчиларидан тўғридан-тўғри тарбия олганман, кейингилари эса менга ўрнак бўлишган. Қуддус Муҳаммадий ва тоғам Мирзакалон Исмоилийни бевосита устозларим деб биламан. Билвосита эса кўплаб отахон адибларимиз, жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларини ўқиб, ўзим учун нималардир олганман.

Агар ўқитувчи бўлганимда касбга фидойилик ва масъулият билан қарашни, замон билан ҳамнафас яшашни ўзимга дастуриламал қилган бўлардим. Зеро, бугунги кун ўқитувчиси зиммасидаги вазифа ўттиз йил олдингидан кўра оғирроқ. Чунки янги авлоднинг фақат «Учар гилам»у «Бўғирсоқ»лар билан авраб, 45 дақиқалик вақтни ўтказиб бўлмайди. Бугуннинг болалари мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар-



Тоҳир МАЛИК, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

ни, техника-технология тараққиётидаги сўнги янгиликларни тез илғаб олмақда. Буни англамаган, эски, аънавий таълим услубидан воз кечмаган ўқитувчининг дарси ёшлар учун зерикарли ва аҳамиятсиздир.

Кимлар учундир ўқитувчилик фақат асаббўзарликлардан иборатдек туюлиши мумкин. Аммо боланинг кўнглига йўл топа олган, унинг руҳиятига феъл-атворини тушунадиган инсонга бу касбдан-да завқироқ, бу касбдан-да савоблироқ юмуш йўқ. «Нега устозингизни отангиздан ҳам кўпроқ эъзозлайсиз?» дея

сўралганда донишмандларнинг аксарияти «Отам менинг кўкдан тушишимга сабабчи бўлган, устозим эса кўкка кўтарилишимга кўмак берди», дея жавоб қилишган экан. Уларнинг олдидан доимо таъзимдамиз.

баларга «Нутқ одоби ва маданияти, воизлик санъати» фанидан маъруза ўқийман.

Болалигимданок ўқитувчилик касбига меҳрим бўлақча эди. Ҳарфни танитган устозим Ёркиной Бўтаевага чинакам хавасим келарди. Унинг дарсларига ўзгача ҳаяжон ва ғайрат билан ошиққанам ёдимда. Мактабда деярли барча фанлардан «аъло» баҳога ўқиганман. Кундалик ёки дафтаримга бундан бошқа баҳо тушадиган бўлса, хафа бўлардим. Айниқса, бошланғич синфларда шу қадар кўникиб қолган эдимки, ҳатто менга «яҳши» ёки «ўрта» баҳо қўйган устоз адолатсиз, ноҳақ бўлиб туюларди. Ушбу ҳол билан боғлиқ бир воқеани ҳали ҳам қулиб эслайман.

Тўртинчи синфда ўқирдик. Ўша пайтлар биз учун янги фан ҳисобланган инглиз тилини яхши ўзлаштиришга имконият етарли эмасди. Нимадир бўлди-ю, ўқитувчимиз Азиза опа менга «4» қўйди. Бахони кундалигимга қўйдирмайман деб бир ҳафта мактабга бормаганман. Охири ўқитувчимиз уйдан чақиртириб келиб, ёнига ўтказиб, «аълочи» ўқувчисининг билимини «номуносиб» баҳолагани учун уэр сўраган ва айтган баҳомни қўйиб берган. Устозларга хош бу бағрикенглик ҳулқимда ижобий ўзгариш ясаганди. Ўқувчи обрўсини кундалигидаги баҳолар эмас, билими белгилашини тушуниб етганман.



«Катта бўлсанг, ким бўласан?» деган саволга «Келин бўламан», деб ҳамма ни кулдириб юрган Паризода мактабдан уйига келди-да, «Мен келин бўлмайман, Розия Ваҳобова бўламан!» деди. Бу гапга оила аъзоларининг барчаси бирдан қулиб юборишди. Қизалоқ изза бўлди, юзига қизиллик югурди. Дадаси уни хижолатдан қутқариш учун «Ўқитувчи бўламан дегин, Розия опанинг касби ўқитувчилик», деб қулоғига шипшиганига қарамай, Паризода «Йўқ, мен барибир Розия Ваҳобова бўламан!» деб туриб олди.

«РОЗИЯ ВАҲОБОВА БЎЛАМАН!»

дейдн биринчи синф ўқувчиси Паризода Тоғаймуродова

— Паризоданинг онасидан бу гапларни эшитиб хурсанд бўлдим, — дейди Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 45-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Розия Ваҳобова. — Беихтиёр ўқувчилик йилларим ҳаёлимда жонланди. Ҳарф танитиб, оқ-қорани ўргатган илк ўқитувчим Оймос Нормаматовага меҳрим баланглигидан мен ҳам шу касбни танлаганман. Устознинг меҳрибонлиги, ширинсўзлиги талабчанлиги мурғак қалбимда ўқитувчилик касбига қизиқиш қуртак ёзишига сабаб бўлган.

Ўқувчи уйдан мактабга, мактабдан уйга қатнаш асосида ота-она ва ўқитувчи назорати билан ўсиб-улғайиб боради. Уларга қалбани боғланиб, меҳр қутади ва кўради. Бола 1-синфга қадам қўйгунича ўзича ота-онасини идеал деб билади. Мактабга бора бошлагач эса, ўқитувчисидек бўлишга интилади. Бошланғич синфда ўқиган дамларингизни эсланг. Синфдошларингиздан бири муаллимни «ота» ёки «синф» деб айтиб юборганига гувоҳ ҳам бўлгансиз. Ёки мактабда дарс берадиган ота-онасига уйда ҳам «устоз» дея мурожаат қилганини қайсидир тенгқурингиз ортасига келиб сўзлаб берган...

— Мактабга минг бир ҳаяжон, минг бир эртусумидлар билан қадам ташлаган кунларим менга бугун эртақдек туюлади, — дейди ўқувчиларнинг севимли муаллимаси Розия Ваҳобова. — Меҳрибонларча қўлимдан тутиб, нур тўла синфхона томон етаклаган устозим Оймос опа ортидан бир умр эргашини дилимга маҳкам тукканман. Юқори синфга ўтганимда ҳам қарорим ўзгармади. Эсимда, ота-онам ва қариндошларим шифокор бўлишга ундашган, ҳатто ўқишни битирган йилим уларнинг раёйига қарши боролмай тиббиёт йўналишидаги ўқув юртига ҳужжат топширдим. Лекин саволларга атайлаб нотўғри жавоб бериб, имтиҳондан йиқилдим-да, кейинги йили педагогика йўналишига ўқишга кирдим.

Кутилган ва кутилмаган воқеа. 2013—2014 ўқув йилида биринчи синфга қабул қилинган Паризода Тоғаймуродованинг «Розия Ваҳобова бўламан!» дейишига асос нима? Демак, Розия опа жажжи ўқувчилари қалбини забт эта олган, уларнинг меҳрини қозонган. Орадан йиллар ўтиб, Паризода ҳам ўқитувчи деган шарафли номга сазовор бўлгач, ўқувчиларидан бири «Паризода Тоғаймуродова бўламан!» дея унга ҳавас қилса, ажаб эмас. Ўзбекистон Қахрамони Абдулла Орипов ёзганидек:

Шоирга дедилар, Сиз бахтли инсон,
Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.
Шоир жавоб берди: менда бир армон,
Муаллим десалар мени қанийди.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



Шухрат ҚАЮМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Мен нафақат санъаткор, балки ўз касбини жон-дилидан севувчи ўқитувчиман ҳам. Тала-



Халқ фаровонлиги
фаолиятимиз мезони



**Муҳтарам устоз ва мураббийлар,
айёмингиз муборак бўлсин!
«Агробанк» жамоаси барчангизга
муштақкам соғлик, оилавий
бахт тилайди!**

www.agrobank.uz

ШОГИРДЛАРИМНИ ЎЗ ФАРЗАНДИМДЕК КЎРАМАН

буни менга ҳам устозларим уқтиришган

Болалигимдан ўқитувчи ва мураббий аҳлига ҳавас қиламан. Уларнинг камтар ва камсуқумлиги, бағрикенглиги ва фидойилигидан ҳайратланаман. Шу боис ҳали-ҳануз самимий, кўнглида кири йўқ одамлар ҳақида сўз борса, биринчи бўлиб кўз олдимда устозларим сиймоси гавдаланади.

Футбол — ҳаётимнинг бир бўлаги. Ундаги ҳар бир воқеа-ҳодисани ақл билан таҳлил қилиб, кўнглимдан ўтказаман. Шогирдларимнинг майдондаги ҳаракатларини синчковлик билан кузатаман: уларнинг интилиши ва катта ишонч билан машғулотларга қатнашишидан завқланаман.

Энди ўсиб келаётган ўсмирларнинг қалбига йўл топиш, ҳар бирининг иқтидорини тўғри аниқлаб, уларга ҳам руҳан, ҳам назарий жиҳатдан етарлича сабоқ бериш учун мураббийнинг тажрибаси, билимидан ташқари, отадек меҳри ҳам бўлиши лозим экан. Менга футбол сирларини ўргатган устозларим ҳам доим шогирдларимни ўз фарзандимдек кўришим кераклигини уқтиришган.

Юртимизда яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар кўплаб ёшларнинг истеъдоди ва салоҳияти юзага чиқишида асосий омил бўлмоқда. Худди шунингдек, машаққатли ҳамда шарафли вазифага ўз умрини сафарбар этган устоз-мураббийлар фаолиятини яхшилаш, уларнинг замонавий билим ва кўникмага эга бўлиши учун етарлича қўлайликлар муҳайё қилинган.

Жумладан, спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга берилган юксак эътибор натижасида мураббийлар елкасидаги вазифа ва масъулият ҳам икки қарра ош-



ган. Шу билан бирга, ёш авлодга сидқидилдан таълим-тарбия бериб, уларнинг ноёб қирраларини кашф этган ва жаҳон майдонларига олиб чиқаётган мураббийларнинг меҳнати ҳеч қачон эътиборсиз қолаётгани йўқ.

Биз ҳам 16 ёшли ўсмирлар ўртасида Эронда кечган Осиё биринчилигида эришган муваффақиятимиздан сўнг янада кўпроқ рағбатга эришяпмиз.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардимки, болалар футболга қўшган камтарона ҳиссамиз давлатимиз томонидан юксак баҳолаб, мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодӣнаси арафасида эълон қилинган фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвонига муносиб кўрилганимдан бошим кўкка етди. Бу рағбатни давлатимиз ва халқимизнинг менга бўлган ишончи деб қабул қиламан. Ишонч эса тинимсиз ҳаракат, меҳнат ва машаққат билан оқлишини ҳам унутмайман.

Шу боис айти пайтда шу йилнинг 17 октябрь—8 ноябрь

кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтадиган ўсмирлар(U-17) ўртасидаги жаҳон чемпионатида пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Кичик мундиалда шогирдларим Осиё чемпиони сифатида иштирок этишини инобатга олсак, бу улар зиммасидаги масъулиятни, юкни янада оширади. Айти дамда Дукентда олиб борилган 23 нафар ўсмирни галабага руҳан, жисмонан тайёрлашга қаратилмоқда.

Умид қиламанки, жаҳон чемпионатида ҳам ажайиб ўйин кўрсатиб, юртошларимизни хурсанд қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни ажайиб байрам билан кутлайман. Уларга сабури иродаси, машаққату меҳнатларининг роҳатини кўриши насиб этсин.

Дилшод НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган спорт устози,
футбол бўйича Ўзбекистон
ўсмирлар терма жамоаси
бош мураббийи

Устоз отангдек улуғ, деган нақлни доим ёдда тутаман. Спортчи учун мураббий жуда муҳим аҳамиятга эга. Унинг меҳри, билими, зеҳни шогирдлар камоли учун хизмат қилади.

Нуфузли мусобақаларга бараётганимда, аввало, рақибларим устидан галаба қозонишдан ҳам кўра, менга ишонч билдирган устозларимнинг ишончини оқлай олармикман, деган ўй мени кўпроқ ҳаяжонга солади.

Устоз шогирдининг муваффақиятидан кўпроқ қувонганидек, мағлубиятидан ич-ичидан эзилади. Аммо тушкунликка тушмай шогирдини мусобақага муносиб тайёрлашга интилади. Чунки у мураббий-да, шогирдини бу вазиятдан олиб

юксак натижаларга эриша олмаслиги, аксинча, ҳар қадамда қоқилиши мумкинлигини турли мисоллар, ҳаётий даъиллар билан тушунтириб беришади.

Шу сабабли қаерда бўлмай, кун тартибимга амал қиламан, ўз вақтида шугулланиб, ўз вақтида хордиқ чиқаришга интиламан. Мураббийларнинг ҳар бир сўзи бир неча бор синовдан таъкидловчи биринчи муаллим Хосият Усмонова билан тез-тез гаплашиб тураман. У

Мақтабда илк сабоқ берган муаллимларининг сабоқларини ҳам доим эслайман. Спортчи учун кучдан кўра, ақл ва маънавий кўпроқ зарурлигини таъкидловчи биринчи муаллим Хосият Усмонова билан тез-тез гаплашиб тураман. У

ФАЛАБАМИЗ — СОВФАМИЗ

чиқиб кетиши ке-

Мен ўқиётган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежида чинакам шогирдлар етиштириб, элу юрт олқишига сазовор бўлаётган мураббийлар кўп.

Улар ҳар бир умидли спортчига алоҳида эътибор беради, ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатади. Фақат спорт майдонида эмас, балки ҳаётда ҳам асқотадиган ўғитларни, йўл-йўриқларни беради. Уларнинг ишончини оқлаш эса галабага тенг.

Хусусан, мураббийларим Лаиз Йўлдошев ва Шерзод Расулов менинг етук дзюдочи бўлиб улғайишимдан умиди катта. Бу йўлда улар ўз меҳнатларини аямаётганидан мамнунман.

Устозларим спортда муваффақият қозонишининг энг муҳим калити сифатида, қатъий тартиб ва қондага амал қилишни таъкидлашади. Тартибсиз спортчи қанчалик кучли ва иқтидорли бўлмасин,

менинг муваффақиятларимдан қувонади.

Бугун шуларни ҳис қилдимки, устозсиз шогирд мақсадига эришолмайди, ҳатто бир қадам ҳам олға ташлай олмайди. Қайси соҳада бўлмасин, инсонга устоз ва мураббийларнинг меҳнати самараси сезилмаса ўша баҳода ривож кузатилмайди, аксинча, ишлар орқага кетади.

1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами муносабати билан барча устозларни чин қалбимдан табриқлайман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик тилайман. Биз каби минглаб шогирдлари элу юртга фойдаси тегадиган, юзини ёруғ қилдиган инсонларга айлансин, дейман. Уйлайманки, чинакам муаллим учун шогирдининг камолини кўришдан кўра юксакроқ бахт бўлмайди.

Достонбек РЎЗИЕВ,
Чирчиқ олимпия
заҳиралари
коллежи ўқувчиси,
ўсмирлар ўртасида
II Осиё ўйинлари
голиби



Оила куриб, илк фарзандимни тарбиялаш учун таътилга чиққанда, бўш вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида 2005 йили стол тенниси тўғрагини ташкил қилдим. Кейинчалик бу соҳага бутун қалб кўрим билан киришиб кетдим. Ўтган йиллар ичида шогирдларим орасидан мамлакат чемпиони, халқроқ мусобақалар голиби ва совриндорлари етишиб чиқди. Айти пайтда 30 нафар ўқувчини тарбияляпман.

Алоҳида санайдиган бўлсам, 2000 йилда туғилганлар ўртасида кечган жа-

УСТОЗЛАР ДОИМ БОР БЎЛСИН!

ҳон биринчилиги ва Рига очиқ чемпионатида Ислоҳ Султонов тенгсизлигини исботлади. 1996 йилда туғилган ва ундан кичик ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида эса Фароғат Азиз-хўжаева голиб бўлди. Қолаверса, 2000 йилда туғилган болалардан Амир Носиржонов ҳам бир қатор ютуқларга эришди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда болалар спортини ривожлантириш ҳамда аёл мураббийларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, ижобий ўзгаришлар натижасида меҳнатимиз қадр топмоқда, шогирдлар парвози тимсолида унинг самарасини кўраяпмиз. Бир устоз учун, кўйинги, аёл мураббий учун бундан ортик бахт борми?

Мен шогирдларим стол теннисини билан шугулланишидан олдин мақсадини сўрайман. Чунки дастлаб пойтахтимиздаги 19-умумтаълим мактабида очилган тўғрагимизга кимдир сало-

матлигини мустаҳкамлаш, кимдир юксак марраларни кўлаб келади. Аммо вақт ўтиши билан спорт машғулотларидаги тартиб, интизомга дош берган, иродали ўғил-қизлар сараланиб қолади. Юртбошимизнинг «Маррани доимо баланд кўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!» дея айтган хитоби аслида барча фидойи ва заҳматқаш ўқитувчи ва мураббийларнинг дилидаги гаплардир. Шу маънода, шогирдларимга юксак чўққиларни кўзлаш, унга руҳан ва жисмонан тайёрланиш лозимлигини уқтираман, ўргатаман.

Ўзим ҳам болалигимда айнан шу тариқа тарбияланганман. Отам — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Саидқиром Бурҳонхўжаев кўл остида илк мартаба спорт сирларини ўргана бошлаганман. Мураббийим Виталий Захаров менга стол теннисини янада жиддий тарзда ўргатган. Биласизми, бугун уларнинг мен учун қилган яхшиликларини, меҳнатларини

ўйласам, кўрсатган йўл-йўриқлари, қимматли маслаҳатларини ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмас экан. Шу боис ҳамisha уларга таъзимдаман, қачон кўришиб қолсак, суҳбатлашсак, ўзимни улардан қарздор ҳис этаман, шундай инсонларнинг шогирди эканимдан фахрланаман.

Мен ҳам худди устозларим сингари спорт залида болаларга қаттиққўлман, талабини аниқ ва қатъий кўтаман. Бирок машғулотлар тугаганида, уларнинг кўнглини кўтариш учун ўз болаларимдек бағримга босиб кўтаман.

Аслида мураббий учун шогирди бирор мусобақада юзи ёруғ бўлиб, голиб ёки совриндорлар қаторидан жой олган кун байрам. Аммо 1 октябрь — алоҳида қимматга эга. Негаки, шу кўни ўқитувчи-мураббийлар қўлга қиритган ютуқларини сарҳисоб қилади. Бу мураббий учун жуда муҳим. Юртимиз илм-фани, маданияти ва спортни равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган барча устозларимизни қасб байрами билан табриқлайман. Уларга куч-қувват, тинчлик-хотиржамлик ва саломатлик тилайман. Ўзбекистонимиз бахтига доимо бор бўлишин!

Саида БУРҲОНХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон чемпиони,
универсиада ўйинлари
голиби



Фирюза АБДУРАХИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби

Одамзод ҳаёт ҳикматларини озми-кўпми англай бошлаганидан сўнг ўзига йўлдош бўлиб келаётган яқинлари, атрофдагилардан олган сабоқларини таҳлил эта бораркан. Бугун ортимга қарасам, биринчи муаллимдан нафақат алифбо илмини, балки шахс сифатида шаклланишимда ниҳоятда муҳим бўлган илк сабоқни ҳам олган эканман.

...Ўдимда. Ҳуқуқчилик йилларимизда бугунгидек турли-туман рўқчалар қаерда эди, денг. Сумкамизнинг бир четига тўқилиб кетишидан чўчиб амаллаб жойлаштириб қўйилган сиёҳдонлар бўлар, қанча уринмайлик, ундан фойдаланиш жараёнида дафтар, китобимизга юқи тегмай қолмасди. Барча фанлардан аълога ўқишга жуда-жуда тиришар-

*Qalbindasiz,
ustoz-nurubhiy!*

дим. Бир куни математикадан ҳамма масалаларни қайта-қайта уринишлар билан ишладим-да, дафтаримга эҳтиёткорлик билан кўчира бошладим. Лекин тугатай деганимда, яна сиёҳ олдин бармоқларимга, сўнгра дафтар варағи четларига тегди. Эртаси куни хавотир билан дафтаримни устозга узатдим. Муаллимам эса

гари уларга ишонч билдириб, истеъдодларини янада ёрқинроқ намоён этишларига имкон беришга уриндим.

Ҳаётимда муҳим ўрин тутган ана шундай сабоқлардан иккинчисини онажонимдан олганман. Ўн икки-ўн уч ёшларда эдим. Негадир болалигимдан қийинчиликлари, захматларига дош берганим, муси-

ИШОНЧ ҚАНОТ ЭКАН ИНСОНГА

ишларимни текшириб бўлган, чиройли жилмайиш билан менга тикилиб турди-да, варақ четига «аъло» дея ёзиб қўйди. Ўша кунги қувончимни эсласам, ҳалиям вужудимга титроқ югуради. Онам Розия опа Дилмуродова ҳам ўқитувчи эди. Кечқурун воқеани у кишига айтиб берганимда, сочларимни силаганча:

— Ўқитувчининг сенга билдирган ишончи бу. Бундай муносабатга муносиб бўлиш учун эса хатоларингни тузатишинг керак. Ҳар бир ишни тоза ва дид билан ниҳоясига етказишга одатлан, — дедилар.

Ана шу ишонч билан бошлангич синфда фақат аъло баҳоларга ўқидим. Кун келиб ўзим ҳам устоз бўлдим ва шогирдларимнинг кўзида ёниб турган интилиш ва шижоатни кўрсам худди муаллимам син-

қага бўлган қизиқишим сўниб, олдимга қўйган мақсадларимдан чекина бошладим. Шунда волидаи муҳтарамам айтган бир гап бора-бора қарашларимга сингиб кетди: «Инсон бир ишни бошладими, уни ярим йўлда ташлаб кетиши ўзининг, қолаверса яқинлари, устозларининг меҳнати устига чиқиқ тортиш билан баравар. Қатъиятли бўлиш керак...».

Ана шу икки сабоқ — менинг муродимга етишимда таянч вазифасини ўтади. Шогирдларимга ҳам илиндим бу хислатларни.

Жуда кўп хорижий давлатларда бўлганман. Аммо ҳеч бир мамлакатда устоз-мураббийларга биздагидек иззат-яқром кўрсатилмайди, десам янглишмайман. Сиз жуда катта эҳтиромларга муносибсиз. Байрамингиз кутлуг бўлсин, улуг юртининг улуг зотлари!

ТАЪЗИМ СИЗГА



Ўзбек Миллий академик драма театрида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб «Таъзим сизга устозлар» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Мирзо Улугбек тумани ХТМФМТТЭ бўлими ходимлари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди. Тадбирда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаров сўзга чиқиб, устоз-мураббийларни байрам билан қутлади ва ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялашда фаол иштирок этиб келаётган ўқитувчи педагогларга «Халқ таълими аълочилиси» кўкрак нишони ҳамда фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширди.

— Бу йилги байрам мен учун унутилмас воқеага айланди, — дейди Мирзо Улугбек туманидаги 222-мактаб ўқитувчиси Султоной Қиличева. — Ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган юксак эътибордан мамнунмиз. Ҳамкасбларим қаторида мен ҳам «Халқ таълими аълочилиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Бундай рағбатлар келгуси фаолиятимизда масъулиятни ҳис этиб, янада кўпроқ излашни ҳақ қилади.

Байрамда театрлаштирилган сахна кўринишлари ва концерт дастури намойиш этилди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

«ELXOLDING»

илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

барчамиз учун энг азиз, энг қадрли бўлган, фарзандларимизга билим ва тарбия беришдек улуг ишга бутун борлиғини бағишлаган, ёш авлодни теран билимли ва етук мутахассис бўлиб етишишларида беминнат хизмат қилиб келаётган Сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни чин қалбдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайди.

**Муқаддас Ватанимизнинг
равнақи йўлидаги
меҳнатларингиз ҳамиша
самарали, омад доимо
ҳамроҳ бўлсин,
хонадонингизни тинчлик,
файз-барака ва
қувонч ҳеч қачон
тарк этмасин.**

**ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ
ВА ИФТИХОРИМСАН,
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!**

**Бизнинг манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 36-уй.
Телефонлар: +99866 234-22-72, +99866 234-25-13**



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази



Азиз устоз ва мураббийлар!

Барчангизга 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni
умумхалқ байрами муборак бўлсин!

Сизга узоқ умр, бахт-саодат, мамлакатимиз таълим
tizимидаги ислохотларни янада изчил давом эттириш ҳамда
ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида
тарбиялашдаги машаққатли, айна дамда шарафли
касбингизда омад ҳамда зафарлар ёр бўлсин!



Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг қўйидаги хизматларидан фойдаланинг:

- веб-технологиялар асосида дастурий таъминотлар, веб-сайтлар ва бошқа дастурий воситаларни яратиш;
- электрон ахборот-таълим ресурслари, виртуал лабораториялар ва видеодарсларни яратиш;
- раҳбар ходимлар ҳамда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича махсус тренинг курсларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш.



(+99871) 223-16-31, 223-16-39.



www.multimedia.uz
www.eduportal.uz



e-mail: multimedia@xtv.uz

... Катта сахнада илк бор ўзининг яккагон концерт дастурини мухлисларига армуғон этаётган Алижон Исоқов навбатдаги кўшиқнинг номи эълон қилинишидан олдин кўлини кўксига кўйганча сўз олди:

— Агар дунёда ўқитувчи-дек мухтарам зот бўлмаса, куй-кўшиқлар бунчалар парвоз этолмас, орзулар ушалмас, истеъодлар юз очмас, ҳаёт кўзимизга кундан-кун гўзал кўришиб, гайратимизга гайрат кўшилмас эди. Ана шундай улуг сиймоларга таъзимимни изхор этмоқ учун барчаларингизнинг номингиздан муқаддас сахнага азиз муаллима Мастурахон опа Очиловани таклиф этмоқчиман...

Хонанда устозига чаман-чаман гулдасталарни улашар экан, зални гулдурас қарсақлар садоси тўтиб кетди. Олис қишлоқнинг оддийгина, камтарин ва камсуқум ўқитувчиси мухташам санъат саройида минглаб қалблар томонидан эъзозланиб, қутланди шу кун.

... Узининг «Гул диёрим», «Уйда бахти борлар», «Ўзбеким қизлари» сингари ўнлаб дилтортар кўшиқлари билан кўпчилики мамнун этиб келётган ёш хонанда Алижон Исоқов ўқитувчининг фарзанди. Отаси Жабборхон Исоқов қирқ беш йилдан ортқ Қашқадарё вилояти Яққабғ туманидаги турли мактабларда ёшларга физика ва математика фанидан сабоқ берган. Домла куй-кўшиққа ошно бўлиб улғаяётган ўғилларининг истеъдодини кадрлашга

ҚЎШИҚЛАРИМ ГУЛДАСТАСИ СИЗГА — МУАЛЛИМ

этибор қаратиш баробарида, уларнинг меҳнатсевар, барчанинг иззат-ҳурматини ўринлатадиган инсонлар бўлиб етишишига ҳам алоҳида аҳамият берди. Шу тарбиянинг меваси сифатида бугун вояга етган фарзандларини ҳар қадамда «Менинг отам ўқитувчи-ку? Бирор ножиоз иш қилсам уят бўлади...» деган масъулият серграклантириб туради.

— Инсоннинг биринчи устози — ота-онаси деб ҳисоблайман, — дейди Алижон. — Негаки, болаликдаги илк тарбия табиийки улар томонидан берилади. Раҳматли волидаи мухтарамам Муаззам аянинг менга мақоллар айтиб мағзини чаққунимча таҳлил этишдан эринмаганлари ҳамон қулогим остида жаранглаб туради. «Биров сенга ёмонлик қилса-да, яхшилик қилгин», «Кўз кўрқок, кўл ботир» сингари онажонимдан эшитган нақлларга умрим бўйи амал қилиб келаяпман. Кейин боғча томон йўл олдим. Биз уч ўғлон — Нодир акам, Аслиддин укам ва мен севишли қишлоғимиз Жавоғди бағридаги сулим маскан «Баҳор» боғчасига биргаликда қатнаганмиз.

Ҳа, Алижон Исоқов истеъдодининг кашф этилиши ана шу гўша, ширинсўз ва меҳрибон тарбиячиси Зумрад опа Дўстқобиловнинг зийрак ва синчковлиги билан боғлиқ,



Ehtrom

Унинг:

Лолалар тўлди уйимга,
Янғидан баҳор келиб.
Куйларимга завқ кўшилди,
Янғидан байрам келиб...

дея бошланувчи илк хиргойлари боғчанинг қичкинагина сахнасида мураббийлари, тенгдошлари томонидан олқиланди. Бўлажак санъаткорни илму урфон оламига бошлаб кирган худудларидаги 64-мактаб тахсили, илм даргоҳида катта ҳозирликлар билан ўтказиладиган турли тадбирлар эса унинг келажақ ҳаётига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди, десак муболага бўлмас.

— Қишлоғимиз одамлари бошқача, — дея сўхбатимизни давом эттиради хонанда. — Бир-бирларига меҳр-оқибатли, яхшиликни ҳеч қачон унутишмайди. Ёмонликка кўнгилларидан жой беришмайди. Улардаги бу фазилатлар ҳам мактабдан, муаллимлардан «юққан» дейман. Биласиз, биз ҳамаша эл хизматида, турли худудларда юрамиз. Бир даврасда ўтириб қолдик. Ҳамсўхбатларимиз орасида ёши улғурлари анчагина эди. Улар менинг жимгина тинглаётганими кузатиб ўтиришган экан чоғи, озгина ранжиган мисол «Гапимизга кўшилмайсиз...» деб қолишди. Шунда ўқитувчиларимиз кўп тақорлаган «Донлар даврасида фақат эшитгин, нодонлар сўзласа, қулогингни бекитгин» деган ўғитларини ёдга олиб «Сўхбатларингиздан гавҳар йиғаяпман...» дедим қулиб. «Ҳа, яхши муаллим сабоғини олган экансиз-да» деб юборди шунда улардан бири. Демокчиманки, баъзида ўқитувчиларим «Сендек шоғирдимиз борлигидан фахрланамиз» деб қолишади. Аслида биз ўғитлари ҳамаша қалбимизни нурлантириб, юзимизни ёруғ қилиб турган шундай хокисор ва бағрикенг, эркалигимиз, нўноқликларимиз ила севиб ниҳол мисол парваршилаган, беғубор

болалигимиз боғбонлари — устоз-мураббийларимиз билан юрак-юрагимиздан ифтихор этиб яшасак арзийди.

Алижон Исоқов болалигини шундай ширин хотиралар билан эсга олади. Қишлоғига борса, албатта, мактабига кириб ўтади. Қарангки, кўнгли яқинлигиданми, кўпинча ота уйига этиб борар-бормасидан мактабига қандайдир талбир бўлаётгани хабарини эшитида ва йўлини тўғри қадрдон гўшаси томон буради. Уни меҳрибон устозлари қучок очиб куттиб олишади. Дийдор ва шукронадан киприқлар намланади. У ўқувчиларга кўшилиб куйлар экан, кўшиқларидан муаллимларнинг дили яйраётгани, озгина бўлса-да чарчоқлари ёзилиб, меҳнатларидан рағбат олишаётганини кўриб суонади.

— Отам бу йил саксон ёшни қаршиляптилар, — деди Алижон биз билан хайрлашаётиб. — Мамлакатимизда ўқитувчи зотида кўрсатилаётган иззат-икромдан кўп сўз очадилар. У киши нафақат падари сабузвор, балки мактабда сабоқ берган муаллимларнинг сафидаги устозим ҳамдир. Ўқитувчи ва мураббийлар кунни умумхалқ байрамига айланган зиёли юртининг бир фарзанди сифатида барча-барча мураббийларни, улар қаторида отамни ҳам улуг айём билан табриқлайман. Кўшиқларим гулдастаси уларга менинг таъзимим, эҳтиромимдир!

Ойбуви ОЧИЛОВА

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИ

Қуръатми фидойи ўқитувчи-ю мураббийлар, бирор кунини
хам китобсиз, нуру зиёсиз тасаввур эта олмайдиган устозлар!
Барчангизни муқаббат айёмингиз билан кутлаймиз!
Қар бир кунингиз илм зиёсидан ёруғ, шоғирларингиз
йўлини ёритғудек чароғон бўлсин.
Байрамингиз байрамларга улансин!



Kitob.uz

Respublika bolalar kutubxonasi





НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

KUCH-BILIM VA TAFAKKURDA



Мамлакатимиздаги барча устоз ва мураббийларни, узок йиллардан буён университетимизда ёшларга илм сирларини ўргатиб келаётган профессор-ўқитувчиларни, академик олимларни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим халқа таълими вазирликлари тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан самимий муқаддас этамиз! Барчага тинчлик-хотиржамлик, узок умр, мустақам соғлиқ тилаймиз!



Tuyg'u

Ватан деган калом инсон вужудини титроққа солади, қалбини ҳаяжонга тўлдирди. Бу шундай оташин бир сўзки, унинг учун жонини фидо этган Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби қанчадан-қанча аждоларимиз. Шоирларимиз ушбу сўзнинг лафофати, таровати ва жозибасини тараннум этувчи бир-биридан гўзал мисралар битган.

Ватан! Сен менинг кўз очиб кўрган қошонам, жажжи оёқчаларим билан илк қадамларимни кўйган муқаддас заминимсан. Сенга бўлган муҳаббатим шунчалар ҳам кучлики, уни на бир сўз, на бир гўзал жилвадор ранг би-

**ВАТАН
ИШҚИ**

лан ифодалай оламан ҳар дам. Бу туйғуни фақатгина қалб билан, юрак билан ҳис қилиш мумкин. Ватан — менинг гуруримсан, тарих силсиласидан доимо шон-шараф билан ўтган карвонимсан.

Ватан! Сенинг ҳажрингда кимлар оқ чекмади. Бобур тақдир тақозоси билан Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тугганда ҳам унинг қалбидан Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, ота юрт бағрига қайтиш умиди сўнмади.

*Толе йўқи жонимга
балолоғ бўлди,
Ҳар ишники айладим
хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд
сори юзландим,
Ё раб, нетай, не юз
қаролиғ бўлди,*

дея фиғонлар чекиб, ҳажрингда қанчалар куйинди.

Ватанини соғиниш унга бўлган чексиз муҳаббатдан дарақ беради. Чунки Ватанимиз сажлағоҳимиз, қаъбаимиз кабиндир. Бу азиз маконда яшар эканмиз, уни асраб-авайлаш учун доимо огоҳ ва ҳушёр бўлайлик. Ҳа... Ватан менсиз яшати мумкин, лекин мен Ватансиз яшай олмайман... Доғишмандларимиздан бири таъкидлаганидек, «Уч нараса қадрини уч тоифадаги инсон тушунади: ёшлиқ қадрини қариялар, соғлиқ қадрини беморлар ва Ватан қадрини ундан айро тушганлар».

Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек, биз шу азиз дунёда нафақат фарзандларимиз, балки неварачевараларимиз, келгуси авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли ҳаёт кеңиришни. Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунча туришини истаймиз.

Муҳаббат ВАЛИХУЖАЕВА,
Республика аниқ фанларга
ихтисослаштирилган давлат
умумтаълим мактабининг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси



UZTELECOM

Барча юрtdошларимизни, мамлакатимизнинг таълим ва фан муассасаларида меҳнат қилаётган азиз ўқитувчиларни, олий таълим ва халқ таълими фидойиларини, шунингдек, барча спорт муассасаларида ёшларимизга таълим-тарбия бериб, уларни жаҳон шоҳсупаларига олиб чиқаётган заҳматкаш мураббийларни







1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами билан муборақбод этамиз! Барча-барчангизга тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт, турмушингизга фаровонлик тилаймиз.





«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

**Азиз ватандошлар!
Мамлакатимиз фан ва
таълим тизимида меҳнат
қилаётган фидойи устозлар,
барчангизни 1 октябрь –
Ўқитувчи ва мураббийлар
кўни умумхалқ байрами
билан самимий
муборакбод
этамиз!**



«SHARQ» – ўз анъаналарига содиқлик, юсак технология, замонавий услуб!

Барча турдаги ноширлик ҳамда матбаа хизматларини таклиф этамиз.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-56-56; 233-47-97.

Факс: (+99871) 239-43-17. Web: www.sharq.uz E-mail: info@sharq.uz

Хизматлар кўрсатиш лицензияланган.

Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**
O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir bay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-
ROV, Farrux JABBOROV (bosh
muharrirning birinchi o'rinbosari),
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rin-
bosari, "Учитель Узбекистана"),
Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель
Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009
INDEKS: 149, 150.
Buyurtma raqami № 3156
Tiraj 37608.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset
usulida bosilgan, qog'oz
bichimi A-3.

*Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi—233-
53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi—233-56-45, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi—233-
54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi—233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi—233-76-40, reklama va marketing
bo'limi—233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Zohirjon XOLOV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonangiz manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Yil aktsiyasi—21.35
Topshirildi—22.05